



**“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ”
АЖ “СУРХОНДАРЁ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛИ”**

**“СУРХОНДАРЁ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛИ” ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИГА УЛАНИШ УЧУН
ТЕХНИК ШАРТЛАР**

Техник шарт рақами: 679
Сана: 18.05.2023

Мурожсаат рақами: 171812
Сана: 2023-05-18

1. **Объект:** Сариосиё туманидаги “Шарғункўмир” АЖга қарашли №-10 шахта (штольная)ни ташқи электр таъминоти билан таъминлаш ;
2. **Буюртмачи:** “Шарғункўмир” АЖ;
3. **Уланадиган кучланиши:** 6кВ;
4. **Рухсат этилган умумий қувват:** 6000 кВт;
5. **Электр таъминоти тоифаси:** I;
6. **Объектнинг манзили:** Сариосиё тумани;
7. **Фаолият тури:** кумир кон;

Асосий электр таъминоти:

1. **Биринчи томондан:** “Шарғункўмир” АЖга қарашли 10 штольнаянинг ташқи электр таъминоти учун 35/6 кВли янги қурилган “Олчазор-2” подстанциясидаги СШ-6-1даги бўш линия ячейкаси олинсин.
2. СШ-6-1дан қувват марказигача 6 кВли электр узатиш тармоғи қурилсин. Қуриладиган электр тармоғининг трассаси таълуқли корхоналар билан келишилсин. Электр тармоғининг ўтказгич юзаси лойиха асосида аниқлансин.

Захира электр таъминоти:

3. **Иккинчи томондан:** “Шарғункўмир” АЖга қарашли 10 штольнаянинг ташқи электр таъминоти учун 35/6 кВли янги қурилган “Олчазор-2” подстанциясидаги СШ-6-2даги бўш линия ячейкаси олинсин
4. СШ-6-2дан қувват марказигача 6 кВли электр узатиш тармоғи қурилсин. Қуриладиган электр тармоғининг трассаси таълуқли корхоналар билан келишилсин. ХЕУ йўлининг юзаси лойиха асосида аниқлансин.
5. Қувват марказида тақсимлаш пункти (РП) ўрнатилсин.
- 5.1 Ўрнатилган тақсимлаш пункти (РП)нинг 6 кВли томонига АВР ўрнатилсин.

Қўшимча (дизель, UPS) электр таъминоти:

6. Истеъмол қувватга мос равишда ДЭС ўрнатилсин. Ўрнатилган тақсимлаш пункти (РП) АВР ва ДЭСнинг тури ва қуввати лойиха асосида аниқлансин.
8. **Электр таъминотини мустақамлаш бўйича қўшимча шартлар.**

7. 6 кВли ҳаво узатиш тармоқларини қуришда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги 1050-сонли Қарори билан тасдиқланган “Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидалари” талабларига амал қилинсин.
8. Реактив қувватни компенсациялаш учун қувватига мос конденсатор батареяси ўрнатилсин.
9. Электр энергия сарфини назоратга олиш электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегараси 35/6 кВли “Олчазор-2” подстанцияси КРУН-6-1,2 даги линия ячейкаларига ўрнатилиши назарда тутилсин.
10. Электр таъминоти лойиҳаси ихтисослашган лойиҳа ташкилоти томонидан бажарилсин.
11. Замоनावий, кўп функцияли электрон ҳисоблагичлар базасида маълумотларни “ҲЭТ” АЖ Сурхондарё ҳудудий филиалига ва Сурхондарё Ҳудудий диспетчерлик бўлимига информацияни қабул қилиш учун “АСКУЭ” тизими билан ишлайдиган кўп функцияли электрон ҳисоблагич ўрнатилсин ва, иш хажми лойиҳа асосида аниқлансин.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 57-сонли қарорига асосан қуёш фотоэлектр станциялари, қуёш сув иситиш қурилмалари светодиодли манбаларни ўз ичига олган сенсорли датчиклар билан жиҳозлаш ёритишда ҳаракатланиш датчикларини ўрнатиш амалга оширилсин.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.08.2019йилдаги ПҚ 4422 сонли қарорига асосан энергия самарадорлигини ошириш мақсадида илгари фойдаланилган генератор ускуналари, кучланишни пасайтирувчи трансформаторлар, электр двигателлар шунингдек энергия самарадорлиги Д тоифадаги энергия сарфловчи ускуналарини ўрнатилмасин. Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларидан ташқари электр энергияси таъминотида энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилсин.
14. РХ ва А лойиҳаси амалга оширилсин. Лойиҳа ишлари “ҲЭТ” АЖ Сурхондарё ҳудудий филиали реле химояси ва автоматика хизмати билан келишилсин.
15. Лойиҳалаш, қурилиш монтаж ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги 555-сонли қарори асосида амалга оширилсин.
16. Тайёрланган лойиҳа “Шарғункўмир” АЖ, 10 штольная ҳудудида қурилиш-монтаж ишларини олиб бораётган пудратчи ҳамда “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Сурхондарё ҳудудий филиали томонидан кўриб чиқилсин ва “Ўзэнергоинспекция” Сурхондарё ҳудудий бўлими ва билан келишиб олинсин.
17. Объектни тугатишга қадар юқори малакали хизматчи тайёрлансин ва юқори корхоналардан электр энергиясидан фойдаланиш учун лимит олинсин.
18. Тармоққа уланишдан олдин “Ўзэнергоинспекция” Сурхондарё ҳудудий бўлими томонидан кўриқдан ўтказилиб рухсати олинсин ва электр таъминоти шартномаси тузилгандан сўнг амалга оширилсин.

9. Техник шарт амал қилиш мuddати 1 йил.

Истеъмолчининг вазифалари:

1. Электр тармоқларига улаш бўйича электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш (уланадиган қуввати 20 кВтдан юқори бўлган истеъмолчилар учун), қурилиш-монтаж ва соzлаш-ишга тушириш ишларини амалга оширишни тайёр ҳолда топшириш шартномасини тузиш.

1.1. Қуввати 20 кВтдан юқори бўлган тақдирда (электр энергияси истеъмолчилари ихтиёрига кўра) электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш учун лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ва соzлаш-ишга тушириш ташкилотлари ёки ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан шартнома тузиш ва ишлаб чиқилган лойиҳани Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси билан келишиш;

1.2. Электр тармоқларига улаш бўйича қурилиш-монтаж ва соzлаш-ишга тушириш ишларини амалга ошириш учун истеъмолчилар ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки бошқа қурилиш-монтаж ва соzлаш-ишга тушириш ташкилотлари билан тегишли шартномалар тузиш ҳамда лойиҳага ва электр ускуналарини ўрнатиш қоидалари талабларига мувофиқ қурилиш-монтаж ва соzлаш-ишга тушириш ишлари яқунлангандан сўнг (қуввати 20 кВтдан юқори бўлган электр тармоқлари корхонаси билан шартнома тузиш ва ишлаб чиқилган лойиҳани Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси билан келишиш);

1.3. Қурилиш-монтаж ва соzлаш-ишга тушириш ишлари яқунлангандан сўнг (қуввати 20 кВтдан юқори бўлган электр тармоқлари корхонаси билан шартнома тузиш ва ишлаб чиқилган лойиҳани Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси билан келишиш) ҳисобга олиш тизимини пломбалаш ва электр таъминоти шартномасини тузиш учун Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали сўровнома юбориш;

2. Электр таъминоти шартномасини тузиш.